





Солиқ Давлат таянчи

БАНКРОТЛИК ёки бу холни бартараф этишга солиқчилар қандай ҳисса қўшишмоқда



Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигини қўлга киритганига мана ҳадемай 12 йил тўлади. Шунинг эътибори эътибори эътибори...

деганларидек иқтисодиётни соғломлаштириш йўлида қилинган савий-харакатлар ўз натижасини бермоқда. Ушбу ҳаракатлар самардорлигини ошириш учун тўлиқ солиқ инспекцияси қошида "Бокимандаларни таҳлил қилиш шўбаси ташкил этилган. Эл-юрт манфаати йўлида жон фидо айлайдиган солиқчилар боқиманда ташкилотларни қамқатириш, уларни иложи бўлса самарали ишлаб кетишларига ёрдам бериш, бўлмаса суд орқали қарзларини ундириш йўлида кечроқ-кундуз тиним билмай ишлашяпти.

Уларнинг эл-юрт, Ватан манфаати йўлида ҳалол-виждонан олиб бораётган ишлари ўз самарасини бермоқда. Боқиманда қоронлардан қарзлар ундирилмоқда. Уларнинг ҳозирги рақобат даврида фаолият кўрсатишлари учун амалий ёрдамлар берилмоқда. Буларнинг ҳаммаси вилоят, туман иқтисодиётининг барқарорлашувиغا катта улаш бўлиб қўйилляпти.

Каримжон РИХСИЕВ, "Адолат" мухбири.

СУРАТДА: туман солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи Эъзоз Исмоилова (ўртада), "Боқимандаларни таҳлил қилиш" шўбаси мудири Фозилжон Мусоев ва ҳисоб-китоб шўбаси мудири Эркиной Отаниёзовлар иш устида.

Савдоси қизиқ турган бозорда ким қандай "иш" қилаётганини фарқлаш қийин эмас. Сурхондарё вилоятининг Қизирик тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари бундай шароитда қонуний иш юритаётганларга "Омадингизни берсин", дея далда беришади. Аммо солиққа чап бериб, ҳамёнини қапайтириш пайида бўлаётганларини "аяб ўтиришмайди". Қонунда уларга қандай тартибда иш юритиш белгиланган бўлса шу талаблардан четга чиқмасликни талаб қилишади. Акс ҳолда ноқонуний савдонинг ҳужжатларини расмийлаштириши, тегишли идораларга жўнатишади.

БОЗОР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Солиқ хизмати уни доимо ҳуқуқбузарлардан "тозалаш"га қодир

-Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарорини изчил амалга ошираёلمиз,- дейди туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вази-фасини бажарувчи Панжи Мусурмонов.-Қарор қўлган кундан бошлаб ҳозиргача 80 нафардан зиёд фуқаронинг унга зид равишда савдо-сотик ишлари билан шуғулланганликларини фож эъдик. Улардан жами 3 миллион 570,9 минг сўмлик товарлар олиб қўйилиб, 2,3 миллион сўмликни давлат эгаллигига ўтказилди.



Тўраев наздида ҳам бозор гўёки шундай эди. Шунинг учун ҳам туманнинг деҳқон бозоридида савдо дўкониде божхонада расмийлаштирилмаган Россия автомобильнинг эҳтиёт қисмларини савдосини қизитиб юборган эди. Аммо солиқчилар бу ноқонуний "ишнинг белига тепишди". Унда божхона божи тўланмаган 573,5 минг сўмлик товарлар олиб қўйилиб, ҳуқуқбузар 22,5 минг сўмлик жаримага тортилди. Яъни, у ноқонуний иш эвазига ҳам молдан, ҳам ҳамёнидан айрилди. Шу маҳаллада яшовчи Ҳўро Нуралев 139,4 минг сўмлик чет элдан ишлаб чиқарилган қурилиш материалларига, "Рабат" маҳалласида яшовчи Хосият Дўрманова

169,3 минг сўмлик чет эл қурилиш материалларига, Шеробот туманида яшовчи Румия Кагирова эса 167,1 минг сўмлик чет эл қийим-кечакларига божхона божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжатни тақдим эта олишмади. Бозоримизда бу махсулотларни бемалол сотаётганликлари боис Н.Тўраевнинг қўйиға тушишди. Энди бу ҳаётий ҳақиқат бошқалар учун аччиқ сабоқ бўлса ажаб эмас.

Биизнингча ҳам шундай: бозор ҳалоллигини ёқтиради. Бунга чап бермоқчи бўлганлар билан асло чиқши олмайд. Яна ҳам оидинлаштирадиган бўлсақ солиқ хизмати ходимлари бунга асло йўл қўйишмайди.

Рустам ДОСТОН, "Адолат" мухбири.

СУРАТЛАРДА: туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вази-фасини бажарувчи Панжи Мусурмонов; Инспекция бошлиғининг ўринбосари Яхшибой Ҳўжамбердиев, катта назоратчи Эркин Ашуралиев ва навбатчи қисм навбатчиси Амир Иргашев навбатдаги текширувга ҳозирлик қўришмоқда.

ТЕКШИРУВЛАР ИЗСИС ҚОЛМАЙДИ

Вилоятимиз солиқ тизими ҳодимларининг Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш йўлида саёй ҳаракатлари туфайли пул муомаласи тобора тақомиллашиб, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари қисқариб бормоқда.Қарор эълон қилинган дастлабки кунлардаёқ банкларга нақд пул топширувчи ҳўжалик юридуқ субъектлар билан тузилган инкассация шартномалари қайта қўриб чиқилиб, улар сонини 22 га қўпайтирилди ва янги йўналишлар белгиланди. Натижада ўтган ойларида нақд пул тушумининг сезиларли даражада ошишига эришилди.

Инкассация йўналишлари бўйлаб инкассаторлар билан бирга солиқ ходимлари ҳам катнашиб, 107 ҳолатда савдо пулларининг банкларга топширилиши яшириб қолганлигини аниқладилар. Айбдорларга нисбатан 34,5 миллион сўм миқдорда молиявий жарима қўлланилди. Бундан ташқари 210 ҳолатда назорат касса маълумларини четлаб савдо қилинаётганлиги ҳам маълум бўлди. Қондабузарликлар жазосиз қолмади. 157 та қорхона ва 24 та жисмоний шахсга нисбатан 65,1 миллион сўм молиявий жарима қўлланилди.

бўлди. Текшириш пайтида у солиқчиларга спиртли ичимликлар билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи махсус рўхсатнома (лицензия)лар бериб юборган эканлар. Бу ҳолат эъзоддан тегишли ҳокимликлар ва вилоят пул кредит комиссияси раисига тақдимномалар киритилди.

Алкоголли махсулотлар савдоси билан ноқонуний шуғулланаётган яқка тартибдаги хўсусий тадбиркорларнинг бири Тохир Оймаматов эди. У "Шаробсавдо" улгуржи базаларидан катта миқдорда спиртли ичимликлар харид қилиб, арзиман нақд пул тушумини қайтарганлиги маълум

ган, тушумни эса Шахрисабз шаҳридаги "Савдогар тижорат банки" орқали "толшири-олди" қабилда айлантириб юрган эди. Нақд пулга бозорлардан арзон-гаровга сотиб олинган товарларни қорхона ва ташкилотларга икки хисса қимматига сотганлигини тасдиқловчи гувоҳлар бор.Текширув давомида солиқ инспекцияси-дан рўйхатдан ўтмай туриб салкам 31 миллион сўмлик тоғвар айланмасини амалга оширганлиги маълум бўлди. Бу даромаддан 935,7 минг сўм солиқ ҳисобланди.

Афсуски, даромад солиқини тўлашдан бўйин товлоччи шахслар ҳам учраб турибди. Ўтган ойда яширин иқтисодиёт ва қўш бухгалтерия юритишга чек қўйиш мақсадида ўтказилган текширувларнинг бири-дан Қарши шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Қудрат ота" хўсусий фирмасининг кирдиқорларини очилми қолди. Маълум бўлишича, фирма кейинги уч йил давомида 35,3 миллион

сўм даромаднинг ҳисобдан яшириб қолган экан. Шу боисдан ҳам текширувдан сўнг унга нисбатан 72 миллион сўм қўшимча солиқ ва тўловлар ҳисобланди.

Текширувларнинг бирортаси ҳам изсис қолмапти.-Биз ҳар бир текширув ва рейдинг самарали бўлиши устида алоҳида қайғураёلمиз. Шу йилнинг дастлабки чўрада аҳоли билан пулли ҳисоб-китобда назорат касса машиналаридан фойдаланишнинг аҳоли 219 марта текширилган бўлса, шундан 209 тасида маълум бўлишларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Қондабузарликларга барҳам бериш мақсадида тушутириш ишларини янада қучайтирмоқдамиз.

Қурбон ОЛЛАЁРОВ, Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи.

Хушхабарлар ЯНГИ ҚОРХОНА

Избоскан тумани маркази Пойтуғда Ўзбекистон мустақиллигининг ўн икки йиллиги арафасида "Вейлай сик" Ўзбек-Хитой қўшма қорхонаси ишга тушди. У пилла чикиндилари ва пахта толасининг қўйи навларини қайта ишлайди, шунингдек ипак ва аралаш газламаган ишлаб чиқаради. Қўшма қорхона устав жамғармаси 2 миллион 552,3 минг АҚШ долларини ташкил этади. Қўшма қорхона муассислари "Ўзбек ипак" уюмчаси ва Хитойнинг "Вейлай" корпорацияси ҳисобланади. Шу кунларда Хитойдан келтирилётган ускуналарни ўрнатиш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда.

Қорхона 2004 йилнинг охирига бориб 300 тонна пилла чикиндиси ва 400 тонна қўйи навлар пахта толасини қайта ишлаш қувватига эришади. Шунингдек, қорхонада 100 тонна ипак ипи ва 350 тонна аралаш калава ишлаб чиқарилади. Қўшма қорхонада тайёрланган махсулотлар ташқи бозорга чиқарилади. Махсулотлар экспортини ташкил этишни хитойликлар ўз зиммасига олади.

ҲОМИЙЛАР ЁРДАМИ

Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 4-мактабнинг "Тулпор" жамоаси Тошкентда бўлиб ўтган китобсаварлар танловида биринчи ўринни эгаллашди. Ушбу муваффақиятга эришишда ҳомийларимизнинг ёрдами катта бўлди. "деди мактаб директори Анжамхон Салабаева -Туркiston-пресс" мухбирига. - Жорий йилда янги асприк юбилейини ўтказишга тайёргарлик қўраётган мактабимизнинг республика ички ишлар вазирлиги ўз ҳомийлигига олган. Яқинда Қорақалпоғистон республикаси Ички ишлар вазирини, ички хизмат полковниги М. Бонобиев ўқувчилар даврасида бўлиб, мактаб кутубхонасига қўллаб бадийи ва ҳуқуқий мавзудаги китобларни совға қилди.

Ислоҳот ва самара МУВАФФАҚИЯТ ТАЪМИНОТГА БОҒЛИК

Ишчи-хизматчиларни ташаббус қўрсатиб ишлашга даъват этмоқда. Шунингдек, биз қорхонамизда ишлаб пенсияга чиққан, ногирон бўлиб қолган ва боқувчисини йўқотганларга ғам-хўрликни алоҳида назорат остига олганми. Хўсусан, катта меҳнат тажрибасига эга бўлган, ўзининг зарбдор меҳнати билан эл-юрт ичиде катта обрў-эътиборга сазовор бўлган ҳўрматли ветеранларимиз тез-тез қорхонамизда бўлиши, "Авлодлар олдидеги вази-фалар", "Кексалар тажрибаси-ёшлар мулки", "Фарзандларимиз биздан розими?" каби мавзуларда сўхбатлар, учрашувларни мунтазам ўтказиб туришибди.

Бу борада биз нефть махсулотлари қорхоналари ходимлари зиммасига жуда катта масъулият юкланган. Бизнинг "Бўхоронейфмаҳсулот" шўба унитар қорхонамиз жамоаси ҳам вилоят қорхоналари, қишлоқ ҳўжалиқ ишлаб чиқариши нефть махсулотлари билан таъминлашни замон талаби даражасига қўтариш учун қўғайратларини аяманаттилар. Чўнки ҳозир "олма пиш, озимига туш" деб ўтиради-диган пайт эмас. Шу сабабли ҳам ишимизни қўғилдидагидек ташкил қилиш учун бор

резерв ва имкониятларни ишга соляёмиз. Бу йўналишда ходимлар ташаббусқорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилляпти. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида одамлардан факат иш талаб қилиш билан муваффақиятга эришиш қийин. Бунинг учун аввало уларнинг самарали ишлашлари учун шароит яратиш, кейин эса моддий манфаатдорлигини таъминлаш муҳими. Қорхонамизда иш ҳақлари ўз вақтида бериб қўйилляпти. Бундан ташқари бўлишча имтиёзлар ҳам белгиланганки, буларнинг ҳам-

маси ишчи-хизматчиларни ташаббус қўрсатиб ишлашга даъват этмоқда.

Хозир вилоятда мавжуд бўлган ёниги қўйиш шўхобчаларининг ҳаммасида нефть махсулотлари таъминотида узилти бўлмалляпти. Қишлоқ ҳўжалиқ қорхоналари, фермерлар ўзларига лимит асосида ажратилган бензин ва дизель ёниғисини ўз вақтида олиб туришибди. Берилаётган махсулотнинг сифатига эътироз йўқ. Нақд пул тушуми режалари мунтазам бажарилмоқда.-Қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг кўп қисминдан ёниги учун пуллар тўлаб турилибди. Шу сабабли ҳам дебиторлик қарзларимиз тобора қамайиб бормоқда. Хўсусан дебиторлик қарзимиз 2003 йилнинг 1 январини ҳолатига қўйган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 600 минг сўмга қамайди. 87762 тонна махсулот со-

Суо-ҳуқуқ ислоҳоти... ЮСТИЦИЯ... ИШЛАРИ... ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг асосида айланмоқда

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий орган-бу суд ҳисобланади. Шунинг учун ҳозирги кунда судларни ислоҳ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Суд-ҳуқуқ ислоҳоти олдиде турган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 1995 йил 30 августда бир қатор янги таҳрирдаги қонунлар қабул қилинди. "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"-ги, "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устида судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонунлар амал қила бошлади.

Суд ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида суд органларининг валолат доиралари кенгайтирилди. Суд вақолатларининг кенгайтирилиши судларни давлат жамиятининг тўла ҳўқуқли тармоғи сифатида инсон ҳўқуқларини ва жамиятнинг ҳўқуқий негизларини самарали ҳимоя қилиш имконини берадиган шарт-шароитларни яратди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти навбатдаги босқичининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг биринчи қақирқи Ўзбекистон Республикаси Олий Мақолатсининг VI сессиясида сўзлаган нўтида аниқ, инфодалаб берибди: "Суд ислоҳотини чўқурлаштириш чўқурлаштириш учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш-ҳўқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир. Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тарихида суднинг аҳамияти жиддий оширилмиши зарур".

Республикадаги демократик туёб ислоҳотларни янада чўқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мақолатсини Кенгаши Ўзбекистон Республикаси суд ислоҳотларини ривожлантириш дастурини тасдиқлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға бинасан, судлар иқтисослашувининг жорий этилиши, фуқаролик судларини қўрувчи ҳамда жиноят ишларини қўрувчи судларға ажратилиши суд иқтисослашуви ҳақида жиддий қарар қабул бўлди. Бу албатта, фуқаролар ҳўқуқ ва эркинликлари қаролатланшини янада қучайтиради, судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида қўриб чиқилишини тўлароқ таъминляпти.

Бир қатор ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Англия, Франция, Италия, Германияда кўп йиллар давомида одил судловнинг иқтисослашган судлар томонидан амалга оширилмиши ўзини оқлаб қолмоқда. Шу мамлакатларнинг айримларида судьялар иқтисослашуви бундан ҳам кенгроқ бўлиб, масалан, оила, меҳнат, уй-жойға оид ишларни ва бошқа масалаларни қўрувчи судьяларға иқтисослаштирилган. Ўзбекистон Республикасида ҳам суд фаолиятини янада иқтисослаштириш борасида қатар ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2000 йил 14 августдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизимини тақомиллаштириш тўғрисида"ги Фармониға бинасан одил судловнинг амалга оширилиши сифатини яқширатиш мақсадида мавжуд умумий юридикчили судлар негизида қўйидагилар ташкил қилинди: фуқаролик ишлари бўйича Қарақалпоғистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро судлари; жиноят ишлари бўйича Қарақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) судлари, Мазкур Фармон судьялар ишларини қўриб чиқаришда қўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг сўёсий, ижтимоий ҳўқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилиш қаролатларини янада қучайтириш мақсадиға йўналтирилган бўлиб, судларни янада иқтисослаштирилиши қаратилган. 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида судьялар ишларини қўриб чиқаришда қўриб чиқилиши таъминлаш, фуқароларнинг сўёсий, ижтимоий ҳўқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилиш қаролатларини янада қучайтириш мақсадиға йўналтирилган бўлиб, судларни янада иқтисослаштирилиши қаратилган. 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида судьялар ишларини қўриб чиқаришда қўриб чиқилиши таъминлаш, фуқароларнинг сўёсий, ижтимоий ҳўқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилиш қаролатларини янада қучайтириш мақсадиға йўналтирилган бўлиб, судларни янада иқтисослаштирилиши қаратилган.

Республикада амалга оширилган судларнинг иқтисослаштирилиши судлар томонидан илгарти йўл қўйиб келинган ҳолатлар ва фуқаролар ҳўқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишининг бирмунча объектив сабабларини бартараф қилади.

Хозирги вақтда судьялар ўзларининг иқтисослашувиға қараб қонунлари ва суд амалиятини анча чўқур ўрганиш имкониятиға эгалар. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги жиноят ишлари ва фуқаролик ишлари бўйича судьяларни қайта тайёрлаш юзасидан алоҳида дастурларни ишлаб чиқмоқда.

Шундай қилиб, ҳеч шўбха йўқки, судьялар иқтисослашуви тўғрисидаги Фармон суд-ҳўқуқ ислоҳотини амалга ошириш соҳасидаги бош вазифа-ишининг қонунларға қатъий амал қилган ҳолда ҳал этилишига, суд томонидан адолатли ҳўкм ва қарор чиқарилишиға жиддий қўмақлашади.

Агар судлар қўриб чиқайтган фуқаролик ишлари сонини йилдан йилға барқарор тарзда ошиб бораётганлиги ҳисобға олinsa, бундай янгиликнинг ўзини оқлаши янада маълум бўллади. Масалан, агар 1994 йилда 64 миңта яқин фуқаролик ишлари қўриб чиқилган бўлса, 2000 йилда қарийб 94 миң, 2001 йилда 100 миңдан ортиқ иш қўриб чиқилган.

Ҳокимиятнинг тўлақонли тармоғи сифатида суд мустақиллигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш, суд чиқарган қарорларнинг адолатли бўлиши, суд ишидаги сансарорликка барҳам бериш мақсадида суд тизимини ислоҳ этиш "Судлар тўғрисида"ги Қонунни қайта қўриб чиқилиши зарурятини долзарб қилиб қўйди. Иккинчи қақирқи Ўзбекистон Республикаси Олий Мақолатсининг 2000 йил 14 декабрдаги тўртинчи сессияси ушбу Қонуннинг янги таҳририни қабул қилди.

Мазкур Қонундаги асосий янгиликлардан бири-умумий юридикчили судларнинг иқтисослашуви-фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича мустақил судлар ташкил этилишини жорий қилиш ва қаратиди.

Қонун илк марта умумий юридикчили судларда процессуал қонунчиликнинг энг муҳим институтларидан бири - ишларнинг апелляция тартибда қўриб чиқилишининг жорий этилишини назарда тутди. Бундай институт халқаро амалиятда синондан ўтган ва республикада ҳўжалиқ судлар тизимида қўриб чиқилиш қўриб чиқилиши апелляция тартибда қўриб чиқилиши юқори суд инстанциясиға далилларни бевосита текшириб қилиш ва ишининг мохияти бўйича қарор қабул қилиш имконини беради. Бу эса, фуқаролар ҳўқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг қаролатларини янада қучайтиради. Суд ишларини юристи самардорлиги ва оперативлигини ошириши, давлат маблағларининг жиддий тежаллашувиға қаратилган.

Мирзахаким ДОНИЁРОВ, Тошкент Давлат юридик институтини катта ўқитувчиси. лар кунда совға-саломлар, озиқ-овқатлар тарқатиш аниана айланган. Ҳомийлигимиздаги ташкилотларға ҳам вақти-вақти билан оталиқ ёрдам қўрсатиб турибмиз. Жамоа аъзолари тиббий қўриқдан бепул ўтказилади. Зарур ҳолатда соғломлаштириш масканлари, дам олиш уйлариға йўлланмалар бериб борилади. Бу тадбирларимиз одамларнинг ўз иш жойларида юксак самара билан ишлашлари таъминланаётганлиги фахр-ифтихор билан айтиб ўтишни истардим. Мана, ҳозир далаларда экин-тикин ишлари авжида. Масалан, ўтган йили жамоамизда меҳнат қилиб нафақага чиққан қарилар, кам таъминланган оиаларнинг аъзолари Бўхоро, Самарқанд, Термиз шаҳарларида бўлишиб буюк бобоқалонларимиз қадамжоларини, тарихий обидаларини зиёрат қилиб қайтишди. Бу йил ҳам бу анианаи давом аттирамиз. Шунингдек, нафақахўр ва ногиронларнинг тез-тез текинға кино, театрларға боришларини ташкил этилмиз. Нафақахўрлар, ногиронларнинг уйлариға бориб байрам-







ҚАХ-ҚАХА

Тўрт оғизли милтик билан Француз, рус ва америкалик жугили ўрмонларида сайр қилиб, одамқўрлар қўлига тушиб қолишди...



Баҳор юмушлари авжида.

Зоҳир Тўрақулов олган суратлар.

Оила камоли — юрт жамоли

МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

— дейди Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Фуқаролик ҳолатлари даволатномасини ёзиш бўлими мудири Нодира Умарова.

Хаммамизга маълумки оила давлатнинг куйи ячекаси ҳисобланади. Агар оила соғлом, бўлса билингни, мамлакат келажаги ишончли қўлларида...



Икки оғайни учрашиб қолибди.

Уларнинг сўхбатини эшитиб турган қабулар деди: —Хо, миллионерлар, ҳов анави ерга от-арава келиб тўхтади тээрор боринг, бўлмаса иссиқ овқатсиз қоласизлар.

ЧУМБУМДАР

У ҳаммага ўргатарди турли йўл-йўриқ, Аммо, ўзи ўрганолмай қолди қуп-қуруқ!

Энги калта кўйлак кийса ҳам Энги ичида иш қилур ҳамдам.

Кибга берилгач, кўпларни койиб, Табирга сув четди, йиқилди тойиб.

Норнинг доим тўни тескари, — Шундан қочар ундан ёш-қари.

Чалиниб сувни лойқалатиш дардига, Ўзи охири қолда лойқа тағида!

Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ.

Ҳикмат

Бузургмеҳрдан сўрадилар: «Одам учун энг бебаҳо нарса нима? Айтиди: «Ақл!» Яна сўрадилар: «У бўлмасачи? Айтиди: «Одоб ва ахлоқ?» Сўрадилар: «У ҳам бўлмасачи?» Атиди: «Бойлик, чунки бойлик билан яхшилик қилиб, хар турли тоифалар ичида тинч яшаш мумкин».

Жиноят ва жазо ИНТИҚОМ

Фақиҳ ибн Шуайб ривоят қиладилар: «Бир киши пайгамбар (С.А.В.)нинг ҳузурларига келиб: «Мен қариндошлар билан сизлар раҳм қилдим (яъни яқинларим билан қариндошлик ришталарини боғладим), улар мендан узилдилар. Уларни авф этдим, менга зулм қилдилар. Уларга яхшилик қилдим менга ёмонлик қилдилар. Уларга ўзларидек муомала қилайинми?» деди. Айтидилар: «Йўқ. Унда гуноҳга шерик бўлиб қолсан. Уларга яхшилик ва раҳм қилсанг ҳаммиша Аллоҳдан қувват сенга давомли бўлади».

Куръони каримнинг Нисо сурасида «Қариндош қўшига яъни сиз ва унинг орасида қариндошлик бор қўшига яхшилик қилинлар» дейилади.

Мирзо ва Эргаш Хўжаевлар ҳам қон-қариндош. Кеңиримиллик унутилиб, меҳр-оқибат кўтарилгач, улар нафақат бегонага балки душманга айланишди.

Амакиваччаларнинг йиллар давомидаги аниқ бир сабабсиз келишмовчиликлари оқибати фожиа билан яқун топди. Гўё узок вақтдан бери бурқиб ётган жанжал олови арзиманган баҳонада довлалб алангага айлангандек бўлди.

Эргаш Хўжаевнинг дахшати ўлими Шофирдон тумани Қўриққент кишлоғи аҳолисини ларзага солди. Ота меҳридан мосуво уч норасида, суняч тоғи-турмуш урғотидан айрилган Гуландомнинг фарёди юракларни зирқирати.

Эргашга бу тақдир шайқатсиз ўлимни ким раво қурди? Қотил ким? Аниқларини қотил-қариндош. Дахшатлиси—қотилдевор-дарийнён қўши. Бир инсон ҳаётига зомин бўлган бу, воқеанинг тафсилоти билан танишин.

2002 йилнинг 6 августи. Соат 16.30 лар чамаси. Ҳовлининг пахта даласи билан туташ еридан ҳаёл билан ўт тараётган Ойдин қўшини, яъни эрининг амакиваччаси Эргашнинг овози чўчиб ёборди.

— Бир ўзингиз далада нима қилаёсиз? — Қўрмаясизми, ўт тараётган, терс жавоб берди Ойдин.

Хангоманинг давомида аёл шаъни билан боғлиқ гап-сўзлар бўлди, йўқми бу Оллоҳга аён.Аммо хотиннинг ортидан далага келган Мирзо унинг йиғлаётганини пайқайди.

—Нима бўлди? —Уша ҳаромбачча ўтиб кетаётган эди менга гапирди,-деди Ойдин йиғи аралаш Эргашларнинг ҳовлисини томонини имлаб.

—Хе, ўшанинг орасини...—қўллари мушт тутилган Мирзо ҳақорат қиларкан, гапига давом этди. — Сен ҳақ бўлма, ўзим уни нима қилишни биларман.

Жаҳлга эрк берган Мирзо балки шу дақиқаларда дилига ўч олиш ниятини тугиб қўйгандир.

Кечки овқатдан сўнг ўрлашга кирган Мирзо ҳадеганда уйкуси келмади.Ярим тун.Зимзиё ва осмонини чароғон юлдузлар бегазан. Худди шу пайт қўшни ҳовлида Эргашнинг ҳам қўларидан уйқу қочди.

Итнинг боғ томонга қараб тинмай ҳуриш тун соқинлигини бузиб ёборди. «Оларан нимандир сезмаса бунақа безовта бўлмасди», ўзича ўйлади Мирзо. Интиком аланга-

сидан қутулолмаган йигит узумзордаги «шарпа»га кўзи тушди. «Ие, Эргаш-ку!» кундузи пахта даласидаги жаҳлининг ҳовуридан тушмаган"и боис баттар тутқоди. Ичкари ўйдан темирдан ясалган ошпоққоқ олиб чиқди.

Афсуски, Мирзо доғишмандларнинг: «Қасос-ожи қалбнинг ёвуз мероси, Мағрурлар қалбидан ҳайдалган бир ҳис», дейилган ибратли ҳикмати мазмунини умуман ҳаёлига келтирмагани аниқ.

Ялангоёқ, майкачан Мирзо шу он шайтоннинг саввасасига бўйсунган, иштири ланининг қўлида «Ўлдирман, ўлдирман» ички нидо қасосга ундаётган исбнга айланди.

Эргаш қўшининг боғидан узиб келган узумдан бир-икки донасини еб, ухлашга чоғланди. Юлдузлар ғўжон осмонга тикилди... Балки шу чоғда у ёнгинасидан ётган ўғли келажани, ёхуд бугун қилган хатти-ҳаракатларини мулоҳаза қалғиридан ўтказгандир...

Ўзир тиг зарбидан инграган Эргашнинг овози чикмай қолди. «Мана, мана сенга...» қўзларни қонга тўлган Мирзонинг ваҳожати ўлжасига ташланган ийртқига ўхшарди. Айни пайтда бу дунё билан видолашган Эргашнинг нохотиржам руҳи тун қаърида арши аёлга юз тутаетган эди...

7 августнинг тонготири. Қоронғулик бағрини чок этиб уфқда қип-қизил қон янглиқ қўёш бош кўтарганда қўшни ҳовлида қиёмат қойим бўлаётгандек эди...

Тобут ортида йўлга тушган ҳар бир қўришкентликларнинг афсус, надомат тўла ниғорларидан бир ўй ҳукмрон. Нега, бунчалар ноёб бўлдинг, меҳр-оқибат? Қавм-қариндошлик қадр-қиммати қайда қолди?

Суд ҳукми ўқилди. Қотил қариндош Мирзо Хўжаев Ўзбекистон Республикаси ЖҚнинг 97-моддаси 2-қисми тегишли моддалари билан озолиқдан маҳрум этилди. Пушаймондан эса фойда йўқ. Гўлдек умр ҳазон бўлди. Жаҳрдайдда Гуландом ва ота меҳридан айро тушган уч норасида гўдак бир томонда.

Қотил отанинг икки беғуноқ фарзанди, эрини ёмонлик қилишдан қайтара олмаган Ойдин ўз изтиробрлари билан бир томонда... Хар иккала оилада воғга етаётган болалар келажидан ташвишланмаслик мумкинми? Уларнинг митти юракларидан интиком ўтини сўндирувчилар борми?

Балки Мирзо кеңирими бўлганда, йигитлик орини жаҳл қаричи билан эмас, фаросат, ақл билан ўлчаганда ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди...

Зеро, форс шоири Саъдий айтганидек, ким ёвузлик уругини сепса пушаймон йиғар.

Моҳира ШАКАРОВА, «Адолат» муҳбири.

Милиция ҳаётидан

“КУНДУЗГИ ОПЕРАЦИЯ”

Талончилик қилган шахснинг ўта хавфли жиноятчи эканлигини фош этди.

Керакли жойга олиб бориб қўйишга келишган ҳайдовчи «меҳмон»ларга йўл-йўлакка ёнидаги ҳамроҳини қолдириб ўтишини айтиб машинани «ўт олдириди». Жойидан энгил кўзгалар оқ «Жигули» зум ўтмай марказдан йироқлашиб, дала йўлига чиқди. Шу пайт бирдан «меҳмон»ларнинг бири ёнидан газ балонли пистолет чиқариб, ҳайдовчига ўқ талди.

—Кани тезда машинани четга олиб, рулни бўшат! Саросимда қолган ҳайдовчи бир зумда унинг истагини бажо келтирди.

—Ёнидаги боришни чиқар, дея ҳайдовчига ўдағайлади унинг шериги.

Улар ҳайдовчининг ҳужжатларини ва олти минг сўм пулини олишиб роса дўппулашди. Сўнг ёнидаги йўловчини калтаклаб, унинг ҳам ҳамёнидаги гувоҳномасини олиб қўйди. Жабрланувчилар ўзларига келганида машина катта йўлдан шитоб билан юриб, кўздан ғойиб бўлган эди.

Йўловчи тезда ўзини қўлга олди. Узи «Маҳалла посбони» бўлганлиги учун ҳам бундай шарафтоза қаерга, қай тарзда мурожаат этишни яхши биларди. Тезлик билан Ички ишлар бўлимининг навбатчилик қисми билан боғланиб, боғ галдан милицияни огоҳ этди. Талончиларнинг ёнида газ балонли пистолет борлигини ҳам маълум қилди. Уларнинг гувоҳномаси билан ҳайдовчининг ҳужжатларини, олти минг сўм пулини, машинасини олиб кетиб қолишганини айтиди.

Олинган маълумотлар бўйича Ички ишлар бўлимида тезкор гуруҳ тузилиб, «Кундузги операция»ни амалга оширишга киришилди. Барча постлар бўлган воқеадан оголлангилди. Сўраб-суриштирувлар изни «Беруни» ширкат ҳужжали билан боғлади. Талончилар бу ерга келишганида бензин туғаб, машина ўчиб қолган эди. Профилактика нозирини, милиция лейтенанти Ахмал Хайитов «Маҳалла посбонлари»

Ҳар тўғрида

РЕАНИМАЦИЯ БУЛИМИДА ТҮЙ

Львовада бўлиб ўтган авиашоудаги фалокат натижасида Наташа исмли қиз қаттиқ жароҳат олди. Қасалхонанинг реанимация бўлими шифокорлари ҳулюсаси қатъий бўлди: «Тос суяги майдаланган, бундай ҳолатларда медицинанинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Қизча умр-бод тушақда ётади».

Наташанинг қаллиги уни шундай севардики, ҳатто шифохонанинг ўзида қизга ўйланишга рози эканлигини айтиди. Реанимация хонасида тўй бўлиб ўтди.

Шу кунлари шифохонага машҳур хирург травмотолог, профессор Лобановнинг ташриф буюриши ёш келин-кўёвлар учун тўй совғаси бўлди дейиш мумкин.

Орадан вақт ўтиб ҳақиқий мўъжиза рўй берди. Наташа қўлтиқ таёқ билан юра бошлади. Профессор эса беморнинг бутунлай шифо топиб кетишидан умидвор. Унинг гапларига қараганда Наташа вақти келиб рақс тушиши, спорт билан шуғулланиши мумкин.

БОРИС БЕРЕЗОВСКИЙ АНГЛИЯ КИРОЛИЧАСИДАН ХАМ БОЙ ЭКАН

Лондонда чиқадиған «Санди таймс»газетаси Буюк Британия поштахтида истикомаат қилувчи энг бой кишиларнинг рўйхатини эълон қилди.

Маълум бўлишча, Россиялик бизнесмен Борис Березовский Британия фуқароси бўлмасида, қарийб 3 йилдан бери Лондонда яшаётгани учун бойлар рўйхатига кириптилибди. Газета экспертларининг маълум қилишича, Березовскийнинг маблағи 1.6 миллиард фунт стерлинг (1.6 миллиард доллар)ни ташкил этади. Березовский эса бу рақам қаматийроқ кўрсатилганлигини эътироф этмоқда. Унинг фикрича, бойлиги рўйхатдагидан икки баробар кўп. Шу сабабли Березовский Лондон бойлари ичида 21-ўринни эмас, 6-ўринни эгаллаши лозим.

Англия кироличаси Елизавета икки эса бойлиги жиҳатидан 133-ўринни эгаллаб турибди.

ТўРАЧИЛИКНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

Европада Халупки-Сильхровице деган кишлоқ бор. Дикқатга сазовар жойи шундаки қишлоқ ахли икки давлат-Польша ва Чехия фуқароларидир.

Чунки бу аҳоли пунктининг ўртасидан ўтган уч километрни асосий йўл чегара ҳисобланади. Яъни бир томондагилар миллиатидан қатъий назар Польшалик, иккинчи томондагилар эса Чехиялик ҳисобланади.

Кишлоқда яшовчи кўплар дехқонларнинг чегаранинг у томонида ҳам, бу томонида ҳам ерлари бор. Аммо улар дала ишларини бажариш учун қўшни давлатда жойлашган бўлсалар бир неча километр йўл юриб, чегара пунктига боришлари ва у ерда чет элга чиқиш учун ҳужжат олишлари лозим. Ишда қайтаётганда эса яна ўша ердан уйларига, яъни бошқа мамлакатга ўтишлари учун ҳужжат расмийлаштиришлари керак бўлади.

Маҳаллий чегарачиларнинг бу ишлари яқинда Польшада таъсис этилган «Тўрачиликнинг олий намунаси» деган махсус соғарица сазовар бўлди.

СУТДАН ПИВО

Хитой халқ республикаси Хэбэй вилоятининг Синтан уезида янги сигир сутидан пиво ишлаб чиқарила бошлади.

«Сутли пиво»нинг диққатга сазовар жойи шундаки, унинг таркибиде спирт микдори жуда оз. Инсон организмни унча зарур бўлган минерал ва органик моддаларга жуда бойдир. Сутдан пиво тайёрлаётган мутахассисларнинг фикрича, кўра бу ичимлик инсон танасида қон айланишини яхшилайди, чарчоқни тез бартараф этади.

ИБРОХИМ САЙДУЛЛАЕВ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, КҲИ ЧИРЧИК ТУМАНИ ИККИ ИШЛАР БЎЛИМИ БОШЛИГИ, МИЛИЦИЯ ПОДПОЛКОВНИГИ.